


ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



XXI ASR

IJTIMOIIY - SIYOSIIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

13-avgust
2026-yil
32 (1 186)

Абдулла АВЛОНИЙ

ИЛМ бизларни жаҳолат
қоронғулигидан қутқарур,
маданият, инсоният,
маърифат дунёсига чиқарур,
ёмон феъллардан, бузуғ
ишлардан қайтарур, яхши хулқ
ва адаб соҳиби қилур!

21asr.uz

XXIasr_yangiliklari

XXIASR

XXI_asr@mail.ru

xxiasrgazetasi

XXIasrgazetasi

Гулшана Худоевора:

“БИЗДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК ВА ХАЙРЛИ АМАЛЛАР ҚОЛСИН”



Парламентда қабул қилинаётган ҳар бир қонун ва норма ортида минглаб инсонларнинг ҳаёти, тақдири ва эртанги кунга бўлган умидлари туради. “Депутат ва ҳаёт” руқни шунчаки сиёсий ҳисоботлар ёки расмий учрашувлар майдони эмас. Бу халқ вакилларининг кундалик фаолияти, уларнинг оддий одамлар ташвиши билан яшاشи ва жамият ўзгаришларидаги иштирокини ёритиб берувчи ҳаётий минбардир. Бугун сиёсат ва жамият, илм ва амалиёт, энг муҳими, инсонийлик ва масъулият туташган нуқтадаги самимий мулоқотни эътиборингизга ҳавола этамиз. Сухбатдошимиз – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси, педагогика фанлари номзоди Гулшана Худоевора.

3

Саховат, бирдамлик бор жойда

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНАДИ

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. O'zLiDeP томонидан илгари сурилган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган манзилли ёрдамлар, хайрли ташаббус ва саховатли ишлар халқ манфаатларини таъминлаш йўлидаги амалий қадам сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2



АГРАР СОҲАДА СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ




4

Жамшид АЗИЗОВ: Бугунгидек имкониятлар юз йилда ҳам келмайди

5



6



Болажонлар тақдири билан ўйнашманг
ёхуд аянчли фожиалар сабаби қаерда?

Ўтмишу келажакни боғловчи кўприк



6

“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва келажак яратамиз!”



ИСТИҚЛОЛ МАНЗУМАСИ

Ватан

Маним қадим кўроним,
Ёш навқиронсан, Ватан.
Ўзинг тандаги жоним,
Шавқату шонсан, Ватан.

Уч минг йиллар наридан,
Уч минг қат ер қаъридан,
Сўзлаб бергай Ўзунқир,
Ҳам Ерқўрғонсан, Ватан.

Қанча уйғонишларинг,
Шунча тўлғонишларинг,
Бир-бир айтсам тугамас
Шеъру дostonсан, Ватан.

Бухорий аждодлардан,
Хоразмийдек зотлардан,
Насафий боболардан
Мерос иймонсан, Ватан.

Шошийларнинг иншоиси,
Фарғонийлар зақоси,
Термизийлар дуоси,
Илму урфонсан, Ватан.

Юрагимнинг Арши бор,
Шаҳрисабз, Қарши бор,
Қадим Касби, Муборак,
Китоб, Косонсан, Ватан.

Эй Малики Туроним,
Амири Туркистоним,
Туркий эл бош бўғини,
Соҳибқиронсан, Ватан.

Нур бериб шуурига,
Ошно айлаб сирига,
Улуғбек ҳузурига
Келган осмонсан, Ватан.

Али Кушчи юлдузи,
Ҳазрат Навоий сўзи,
Бобур Мирзонинг ўзи,
Боқий давронсан, Ватан.

Жадид боболар ёди,
Хурлик бўлган муроди,
Биз уларнинг зурёди,
Томирда қонсан, Ватан.

Шукр, Ватан озоддир,
Кундан кунга ободдир,
Қадринг, қадринг ҳам баланд,
Ҳазрат инсонсан, Ватан.

Фарзандларинг мард, ўқтам,
Ҳар соҳада пешқадам,
Жаҳонни лол айлаган,
Зафарга қонсан, Ватан.

Ягона, яқдил ўзинг
Бир миллат, бир эл ўзинг,
Янги ҳаёт, келажак –
Нурли бўстонсан, Ватан.

Тинсин жаҳолат жанги,
Сўнмас тинчлик оҳанги,
Ҳар дилда орзу янги,
Ўзбекистонсан, Ватан.

Дуода шоир кўнглим,
Отажон, онам, синглим,
Муродингга ет, элим,
Ватаним, жонсан, Ватан.

Мард, ҳалол элим бордир,
Шу туркий тилим бордир,
Ўзгармас йўлим бордир,
Мангу омонсан, Ватан.



Ғайрат МАЖИД



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси **Гулшана Худоевора:**

“БИЗДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК ВА ХАЙРЛИ АМАЛЛАР ҚОЛСИН”

– Гулшана Бердиназаровна, кўп йиллар давомида таълим тизимида фаолият юритгансиз, педагогика фанлари номзодисиз. Педагоглик ва ташкилотчилик тажрибангиз Қонунчилик палатасидаги депутатлик ва қонун ижодкорлиги фаолиятингизда қай даражада қўл келяпти?

– Олий таълим тизимида талабаларга дарс бериб, ёшлар ва катта ёшли тингловчилар билан мулоқотда орттирган тажрибам бугун менга катта суянч бўлмоқда. Университет аудиториясига қадм қўйганингизда рўпарангизда турли характер ва дунёқарашга эга ёшларни кўрасиз. Кимдир жуда шижоатли, аниқ мақсадлари бор, лекин ҳаётий тажрибаси кам. Яна кимдир жуда иқтидорли бўлса-да, ўз кучига ишонмайди. Баъзи ёшлар эса ҳиссиётга берилиб, турли тушунмовчиликларга дуч келишади. Ўқитувчи учун бундай вазиятда фақат фанни мукамал билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳар бир талабанинг қалбига йўл топа олиш, уни эшитиш, ўрни келганда рағбатлантириб, тўғри йўл кўрсатиш талаб этилади. Мен учун педагогикнинг энг қимматли томони ҳам аслида шу – ёшларнинг ўз кучига ишониб, ҳаётда ўз ўрнини топаётганини кузатишдир.

Депутатлик фаолиятимда аҳолининг мурожаатлари фақат газ, электр ёки йўл масалалари билангина чекланиб қолмайди. Баъзан фуқароларимиз бизга ҳаётидаги энг оғир, энг нозик муаммолари билан келишади. Масалан, оиласида келишмовчилик юзага келган ёшлар, иш жойида адолатсизликка дуч келган фуқаролар ёки суд қароридан норози бўлиб, адолат излаб келган инсонлар бор. Бундай вазиятларда уларни шошилмасдан тинглаш, аввало, руҳий ҳолатини теран англаш лозим. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон ҳаёти, оиласи, тақдири ва умидлари туради. Минглаб талабалар ва турли характердаги инсонлар билан мулоқот қилганим бугун менга одамлар билан очик ва самимий гаплашишга, исталган муаммонинг асл сабабини тушуниб, имкон қадар қисқа фурсатда ечим топишга ёрдам бермоқда.

Қонун лойиҳалари устида ишлаганда ҳар бир сўз ва норма замирида инсон тақдири ётганини унутмайман. Қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётида қандай ишлайди, уларга қандай наф келтиради, деган савол мен учун доимо бирламчидир.

– Парламент депутатлигидан ташқари омадорчилик асосида О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг Ёшлар ва аёллар масалалари бўйича ўринбосари ҳам ҳисобланасиз. Партиянинг энг йирик ижтимоий қатламлари билан ишлашда бугунги кунда асосий устувор вазифалар

нималардан иборат ва хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда қандай янги ёндошувлар қўлланилмоқда?

– Бугун давлат сиёсатида ҳам, партиямиз фаолиятида ҳам энг муҳим талаб битта: шунчаки тадбир ўтказиш ёки қуруқ ҳисобот бериш эмас, балки аниқ ва самарали натижалар орқали фуқароларимиз ҳаётида ижобий ўзгаришлар қила олишдир. Айниқса, аёллар ва ёшлар билан ишлашда бу жуда муҳим. Чунки ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли, орзу-интилиши ва ўзига хос муаммоси бор.

Кундалик мулоқотларимиз давомида турли хил феъл-атвор, дунёқарашга эга кишилар билан юзлашамиз. Масалан, олис қишлоқда яшайдиган, қўлида хунари ёки олий маълумоти бор, лекин турли сабабга кўра жамиятда ўз ўрнини топа олмаётган аёлларни кўраимиз. Ёки ажойиб ғояси бор, тадбиркор бўлишни истайдиган, лекин ишни қаердан ва қандай бошлашни билмай турганлар билан мулоқотда бўламиз. Бундай вазиятда уларга шунчаки “ҳаракат қилинг” дейишнинг ўзи етарли эмас. Уларга биринчи қадами ташлашда кўмак бериш, тўғри йўл кўрсатиш ва энг муҳими, ишонч ва умид бағишлаш керак.

Шу жиҳатдан партиямиз томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар жуда катта амалий аҳамиятга эга. Масалан, “Бунёдкор аёллар” ва “Ишбилармон аёл” лойиҳалари доирасида ўз фаолиятини жуда кичик имкониятдан бошлаган юзлаб хотин-қиз билан мулоқотда бўлдим. Кимдир уйда тикувчилик қилган, кимдир хунарамандчилик билан шуғулланган. Аввалига бу оддий бир машғуллотдек кўринган бўлиши мумкин. Аммо тўғри йўналиш берилиб, бизнес режалар аниқ тушунтирилса, ана шу кичик иш ҳам катта имкониятга айланади.

Тажрибали тадбиркор хотин-қизларимиздан иборат менторлар уларга бизнес режа тузиш, молиявий ресурслардан тўғри фойдаланиш ва маҳсулотларини бозорга чиқаришда яқиндан ёрдам беришмоқда. Энг қувонарлиси, ўз ишини йўлга қўйган аёл вақт ўтиб бошқалар учун ҳам янги иш ўринлари яратиб бошлайди. Мен учун бундай ҳаётий воқеалар жуда таъсирли. Чунки бу ерда гап фақат тадбиркорлик ҳақида эмас, балки инсоннинг ўз кучи ва эртанги кунига бўлган ишончи ҳақида бормоқда.

Ёшлар билан ишлашда ҳам худди шундай ёндашув зарур. “Келажак депутатлари” ва “Ёшлар қаноти” каби лойиҳалар йигит-қизларимизга ўз фикрини эркин билдириш, ташаббус кўрсатиш ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш имконини бермоқда. “Депутатликка тайёрлов мактаби”, сиёсий форумлар ва очик мулоқотларда ёшлар депутатлар, ҳуқуқшунослар ва тажрибали мутахассислар билан бевосита мулоқотда бўлишади. Бу жуда самарали майдон. Чунки ёш инсонга фақат сиёсат ҳақида маъруза ўқиш камлик қилади. У ўз фикрини айтиб кўриши, савол бериши,

баҳслашиши ва масъулиятни ҳис этиши керак. Қолаверса, ёшларнинг ташаббуслари орасида “Ташаббусли бюджет”, IT соҳаси ва тадбиркорликка оид илғор ғоялар жуда кўп. Бундай интилишларни қўллаб-қувватлаш орқали биз нафақат бугунги муаммоларни ҳал этамиз, балки эртанги кун учун фаол ва билимли авлодни ҳам шакллантирамиз. Хориж тажрибасида ҳам ёшларни сиёсатга эрта жалб этиш муҳим ўрин тутди. Шу сабабли партиямиз фақат сайловда иштирок эртувчи ташкилот эмас, балки ёшлар учун ҳақиқий ҳаётий ва сиёсий мактабга айланиши лозим.

О‘зЛиДеР томонидан олис қишлоқ ва туманларда “Саломатлик сари” лойиҳаси доирасида онкологик касалликларни барвақт аниқлаш бўйича ўтказилаётган скрининг (тиббий кўрик) ишлари ҳақида ҳам тўхталмоқ жоиз. Чунки бугун замонавий тиббий ускуналар энг чекка қишлоқларга етиб бормоқда. Жумладан, саратонни 1- ва 2-босқичида аниқлашга эришилаётгани жиддий масала. Бу хавфли ҳасталик қанча эрта босқичдаёқ аниқланса, бутунлай даволаш ва инсон ҳаётини сақлаб қолиш имкони жуда юқори бўлиши аён. Бу каби хайрли ташаббуслар туфайли минглаб ватандошларимизга ташхис қўйилиб, иккинчи умр бағишламоқда.

Хотин-қизларга эътибор масаласига тўхталганда, Президентимизнинг ушбу сўзлари ҳамisha менга куч бағишлайди: “Аёл – оила бахти, миллат келажги, давлатнинг маънавий таянчидир. Шунинг учун хотин-қизларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш – бизнинг энг муқаддас бурчимиздир”. Айнан мана шу юксак ғоя партиямиз фаолиятининг бош мезонига айланган. Чунки аёлдаги ижобий ўзгариш бутун оила муҳитига бевосита таъсир қилади. Билим олган, касб эгаллаган, ўз ишини бошлаган аёлнинг фарзандлари ҳам мутлақо бошқача муҳитда улғайди. Уларда ҳам билимга, меҳнатга ва мустақил фикрлашга бўлган интилиш кучаяди. Шунинг учун аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлашни мен келажакка қилинган энг эзгу сармоя деб биламан. Бугун улар ислохотларни четдан кузатиб турган томошабин эмас. Улар ўз меҳнати, билими, ғояси ва ташаббуси билан бу жараённинг бевосита иштирокчиси айланоқда. Менимча, энг катта ютуғимиз ҳам аслида шунда. Инсонга имконият берилса, ишонч билдирилиб, тўғри йўл кўрсатилса, у ўз ҳаётини ҳам, атрофидаги инсонлар тақдирини ҳам эзгулик сари ўзгартира олади.

– Фаолиятингизда депутатлик сўрови институтидан қай даражада фойдаланяпсиз?

– Одамлар билан бевосита мулоқот қилиш ва уларнинг муаммоларига амалий ечим топиш мен учун энг устувор йўналишлардан биридир. Қабулга келган ҳар бир мурожаатчининг ўз дарди, ўз ташвиши бор. Баъзи масалалар биргина учрашув ёки битта депутат сўрови билан дарҳол ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг ортида кўп меҳнат, тинимсиз учрашув ва чуқур изланишлар туради. Аввало, келиб тушган мурожаатни атрофлича ўрганамиз, масаланинг асл илдизини англашга ҳаракат қиламиз. Сўнг тегишли ташкилотлар, мутахассислар ва маҳаллий масъуллар билан қайта-қайта музокаралар ўтказамиз. Зарур ҳолларда жойига чиқиб, вазиятни ўз кўзимиз билан кўраимиз. Айниқса, мактаб, боғча ёки тиббиёт муассасаси масаласида шошилинч хулоса чиқариб бўлмайди. Худудда қанча аҳоли яшайди, болалар сони қанча, одамларга ҳақиқатан ҳам ушбу муассаса зарурми, мавжуд имкониятлар қандай – буларнинг барчасини ҳолис ўрганиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда депутат сифатида Қашқадарё вилоятининг 4 та тумани – **Миришкор, Муборак, Касби** ва

Қаршида сайловчилар билан мунтазам мулоқотда бўлиб тураман. Бундан ташқари, ўн йил давомида Қашқадарё вилоятининг **Косон туманида** тўплаган иш тажрибам алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳудудда кўп йиллар давомида сайловчилар мурожаатлари асосида депутатлик сўровлари юбориб, давлат органлари, маҳаллий ҳокимликлар ва маҳаллий кенгаш депутатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилдик. Айрим масалалар осон ечим топган бўлса, баъзилари аниқ натижага эришиши учун анча вақт ва сабр талаб этди.

Энг муҳими, депутатлик сўровлари ва тизимли ҳамкорлик натижасида Косон туманидаги қатор маҳаллаларда мактаб ва боғчалар таъмирланди, янги МТТлар фойдаланишга топширилди. Тиббиёт муассасалари ва реанимация бўлими янгиланиб, йўл ва электр инфратузилмаси яшилди. Буларнинг ҳар бири кимгадир оддий рақам ёки ҳисоботдаги бир банд бўлиб кўриниши мумкин. Лекин ўша мактабда фарзанди ўқиётган ота-она учун бу жуда катта ижобий ўзгариш. Йўли таъмирланган инсон учун бу кундалик ҳаётидаги қулайлик, тиббиёт муассасасининг яшиланиши эса кимнингдир соғлиғи ва ҳаёти учун ҳаётий зарур омилдир. Агар бир юртдошимизнинг муаммоси ҳал бўлса, кимнингдир бузилган ҳуқуқи тикланса, бир оиланинг ташвиши енгиллашиб, одамларда эртанги кунга ишонч ортса, шунинг ўзи мен учун энг катта натижадир. Сайловчилар бизга ишониб мурожаат қилишади. Ана шу ишончни оқлаш эса ҳар қандай лавозим ва унвондан кўра юксакроқ масъулиятдир.

– Меҳнат фаолиятингизнинг салмоқли қисми **Қарши шаҳри ва Қашқадарё вилояти билан боғлиқ. Худудлардан келаётган мурожаатларда бугунги кунда сайловчиларни энг кўп қийнаётган масалалар қайсилар ва уларнинг қонунчилик даражасида ҳал этилишига қанчалик эришилмоқда? Имкони бўлса, жонли мисоллар келтирсангиз.**

– 2014 йилда илк бор депутат бўлиб сайланганимда талай қийинчиликка дуч келганман. Таълим соҳасидан сўнг депутатлик бутунлай бошқача масъулият эканини ўшанда ҳис қилганман. Бу ерда, аввало, ҳар бир инсон билан индивидуал, юзма-юз ишлайсиз. Уларнинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам сизга бевосита дахл қила бошлайди. Ўша йиллари одамлар энг кўп газ, электр энергияси, ичимлик суви, йўл, соғлиқни сақлаш, мактаб ва боғчалар билан боғлиқ муаммоларни кўтариб чиқишарди. Қишлоқларга борганимизда бу каби масалаларни одамларнинг ўзидан эшитардик. Кимнингдир уйда чироқ ўчган, кимдир фарзандини боғчага жойлаштира олмай сарсон, яна кимдир йўл ёки ичимлик суви йўқлигидан қийналарди. Ўшанда дастлабки бир йилдан ортиқ вақт мен учун чин маънода катта ҳаёт ва маҳорат мактабига айланди. Ваколатли ташкилотлар билан қандай ишлаш, муаммонинг фақат юзадаги кўринишини эмас, асл илдизини ўрганиш зарурлигини шу муддатда яхши тушуниб етдим. Энг катта туртки ва ёрдам эса давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йилдан бошлаб турли даражадаги депутатларнинг биргаликда йўлга қўйилган тизимли иши бўлди. Олий Мажлис депутатларидан тортиб, маҳаллий кенгаш депутатларигача ягона мақсад атрофида бирлашиб, энг олис қишлоқларга бордик. Муаммоларни эшитдик, жойига чиқиб ўргандик ва ечимини биргаликда изладик.

Бугун орта қараб, ўша йилларда бошланган хайрли ишлар самарасини

кўриш менга алоҳида мамнуният бағишлайди. Масалан, Косон туманида илгари мактабгача таълим камрови атиги 6 фоиз бўлган бўлса, бугун 70 фоиздан ошди, мактабларнинг катта қисми мукамал реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозланди. Бу рақамларнинг ҳар бири ортида муайян инсонларнинг тақдири ва ҳаёти туради. Фарзанди уйининг ёнгинасидаги замонавий боғчага қатнаётган ота-она учун бу шунчаки қуруқ статистика эмас. Замонавий ва шинам мактабда таълим олаётган бола учун эса бу порлоқ келажак сари қўйилган муҳим қадамдир.

Бюджет маблағларидан фойдаланишда очиклиқнинг кучайтирилгани ва “Ташаббусли бюджет” тизимининг йўлга қўйилгани ҳам кўпчиликнинг ўз ҳудуди тақдири ва ободлигига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Эндикда аҳоли фақат муаммони айтибгина қолмай, қайси масалага биринчи навбатда маблағ йўналтирилиши кераклигини ўзлари овоз бериш орқали ҳал этмоқда. Ислохотнинг асосий мезони ҳам аслида шу – одам уни ўз кундалик ҳаётида бевосита ҳис қилиши керак.

Депутат учун энг катта мукофот ва натижа эса сайловчи билан учрашганда унинг “Раҳмат, бу муаммомиз ҳал бўлди” деган самимий сўзини эшитишдир. Чунки фаолиятимизда энг қадрли ва ноёб нарсаси – халқнинг ишончидир.

– **Масъулиятли вазифа, тифиз иш графиги ва доимий сафарлар фониди шахсий мувозанатини ва ички кучни қандай сақлаб қоласиз? Сиз учун энг яхши ҳордиқ ва илҳом манбаи ҳамда ҳаётий шиорингиз нима?**

– Дарҳақиқат, сиз санаб ўтган омиллар ҳар бир инсондан нафақат жисмоний, балки катта руҳий куч ва ирода талаб қилади. Мураккаб иш кунидан сўнг бироз ҳордиқ чиқариб, фикрларни жамлашга эҳтиёж сезилади. Бундай пайтларда менга учта омил беқиёс куч-қувват бағишлайди – **табиат, оила ва илм**. Уйимдаги кичик оранжереяда 200 дан ортиқ ўсимликни парваришлайман, тупроқ ва гуллар билан ишлаш чарчоқни ёзади. Невараларим билан ўтказган ҳар бир дақиқа эса менга алоҳида қувонч ва руҳий хотиржамлик бағишлайди. Ички мувозанатимни сақлашга психология соҳасидаги муталааларим ҳам ёрдам беради. У инсон руҳиятини ва мурожаатчиларнинг кайфиятини чуқурроқ англашимга кўмаклашади.

...Болалигим ҳақида ўйласам, раҳматли отам ёдимга тушади. У киши жуда эрта дунёдан ўтган бўлсалар-да, бизга дунёни англаш, кўпроқ саёҳат қилиш ва инсонлар билан самимий мулоқотда бўлишни ўргатиб кетди. Ҳар йили ўқув йилини аъло баҳолар билан якунласак, оромгоҳларга юборарди, саёҳатларга оилавий чиқардик. Уйимизда китоб кўп бўларди, “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар” каби шоҳ асарларни ўқиб улғайдик. Навоий ижоди ва жаҳон адабиёти дурдоналарига бўлган қизиқишим ҳам айнан шу муҳитда шаклланди. Китоб ўқиган сари инсоннинг маънавий дунёси бойиб, қарашлари кенгайди. Бошқа одамларнинг ҳаёти, қувончи, дарди ва ташвиши билан танишасиз. Бу эса менга инсон қалби ва руҳиятини тушунишда доимо энг яқин кўмакчи бўлиб келмоқда.

Ҳаётда турли лавозим, вазифа, синовлар бўлиши мумкин. Лекин инсон учун энг катта мақом – ўзидан кейин яхши ном ва яхши ишлар қолдириш. Менинг ҳаётий шиорим ҳам шу: “Инсонларга нафи тегадиган ҳаётни яшаб ўтиш”.

“XXI asr” мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.



Жамшид АЗИЗОВ:

Бугунгидек имкониятлар юз йилда ҳам келмайди

Самарқандлик Жамшид Азизовнинг фермерчилик ва тадбиркорлик соҳасида фаолият бошлаганига йигирма йилдан ошди. Утган давр мобайнида кадам-бакадам тажриба ортириб, соҳанинг назик жихатларини пухта ўзлаштирди.

Иқтисод йўналиши бўйича олий таълим олган Жамшид Азизов университетни битириб, боғдорчиликка ихтисослашган “Азизов Қурбон” фермер хўжалигини ташкил этди. Айни пайтда 8 нафар фуқарони доимий иш билан таъминлаган фермер хўжалиги тасарруфидagi 50 гектар майдонда тоқзор барпо этилган. Узумларнинг барчаси водий усулида вoйиш қилинган бўлиб, томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланмоқда.

– Кейинги йилларда маҳаллий узум навларидан бўлган тойфи ва қора кишимишдан ташқари, жаҳон бозорида юқори талабга эга янги навларни ҳам кўпайтиришга эътибор қаратилмиш, – дейди “Азизов Қурбон” фермер хўжалиги раҳбари Жамшид Азизов. – Жумладан, асли ватани Калифорния ва Америка саналадиган “Аватар”, “Маникюр Фингер”, “Ламборжини” каби янги навларни пайвандлаш усулида кўпайтирялмиш.

Бунинг ўзига яраша сабаблари кўп. Қайси мамлакатга бормайлик, масалан, Россия бозорида ҳам энг арзон узумлар тойфи ва қора кишимиш навлари ҳисобланади. Туркия, Эрон ёки Америкадан келтириладиган узум навлари эса анча қimmat сотилади. Шу боис ҳозир жаҳон бозорида ўз қийматига эга бўлган навларни кўпайтириш устида ишляямиз. Бу, ўз навбатида, экспорт салоҳиятимизни ҳам оширади.

Айтайлик, бир машина тойфини хорижга жўнатиб, унинг ҳар килограммини бир доллардан сотадиган бўлсак, янги навларни килоси 3–4 доллардан сотилиши мумкин.

Тадбиркорлик бобида каттагина тажриба тўплаган Жамшид Ази-

зовнинг янги узум навлари жорий йилда илк бор ҳосилга кирди. Энди уларни экспорт қилиш ниятида. Албатта, бу навларни парваришлаш осон кечмади. Бунинг учун етакчи олим ва агрономлар билан мунтазам маслаҳатлашиб иш кўрди. Янги навларни иқлимга мослаштириш йўллари ахтарди. Қувонарлиси, бугун бу узумлар ўз ватанида қандай ҳосил берса, Ўзбекистонда ҳам шундай тарози босмоқда. Демак, уларни юртимиз шароитида бемалол етиштириш ва парваришлаш мумкинлиги исботланди.

– Янги навлар серҳосил бўлиб, 3–4 ёшга етганда гектаридан 60–70 тоннагача ҳосил олиш имконини беради, – дейди фермер хўжалиги раҳбари гурунгимиз орасида. – Бу дегани гектаридан қанча кўп ҳосил олинса, маҳсулот таннари шунча арзонлашади. Натижада бошқа давлатлар бозорларига маҳсулотимизни рақобатбардош нархларда таклиф этиш имконияти пайдо бўлади. Умуман, хориж бозорларида маҳсулот нархи, жумладан, унинг етказиб бериш масофасига ҳам боғлиқ. Демак, биз Туркия ёки Америка маҳсулотларига нисбатан анча арзон нархларда маҳсулот таклиф қила оламиз.

Тадбиркорнинг тоқзори Самарқанд тумани Илонсой қишлоғининг қир-адирларида жойлашгани боис бу ерда сув масаласи доим муаммо бўлиб келган. Мазкур масала ечимини топишда 2020 йилдан бошлаб бу хўжаликда ҳам томчилатиб суғориш технологиясининг жорий этилгани катта аҳамият касб этди.

Ушбу усул нафақат сувни тежаш, балки минерал ўғитларни сув билан бирга ўсимликларга бир текисда етказиб бериш имконини ҳам яратди. Жамшид Азизовнинг таъкидлашича, томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланишда давлат томонидан кўрсатилётган қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим омил бўлмоқда.

– Бизга беш йил мuddатга ер солиғидан имтиёз берилди, – дейди тадбиркор. – Хужжатга кўра, агар



тадбиркор ўз хўжалигида томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйса, давлат томонидан ҳар гектар учун субсидия ажратилади. Бизда ҳам мазкур тизимни жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг 30–40 фоизи қўллаб берилди. Бу катта енгиллик бўлди. Шунинг учунам сувни катта миқдорда тежашга ҳаракат қилялмиш. Оддий тил билан айтганда, майдонимиз мисолида ҳисоблайдиган бўлсак, томчилатиб суғориш орқали бир йилда аввалги 2–3 йилда оқизиб суғориш усулида сарфланган сув миқдorigа тенг сувни тежаш имконига эга бўлди.

Дунёда қадимдан серкўёш Ўзбекистон замини ўзининг унумдорлиги ва баракаси билан машҳур. Бугунги тараққиёт даврида юрти-

мизнинг машҳур мева-сабзавотларини хориж бозорларига етказиб бериш имконияти мавжуд. “Азизов Қурбон” фермер хўжалиги ҳам бу имкониятлардан самарали фойдаланиб келмоқда. Хусусан, Россиядаги йирик компаниялар билан тўғридан-тўғри шартнома асосида маҳсулот экспорт қилиш йўлга қўйилганига уч йил бўлди.

– Бу бизга маҳсулотимизни сифатли ҳолда ва ўз вақтида манзилга етказиб беришни кафолатлайди, – дейди Жамшид Азизов. – Эътиборлиси, маҳсулотни жўнатишдан олдин уни қанча нархда сотишимизни ҳам биламиз. Бу биз учун жуда муҳим.

Айни пайтда хўжалик нафақат ўз худудиди, балки бошқа вилоят-

ларда етиштириляётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам йиғиб, экспортга жўнатмоқда. Жумладан, Сурхондарёдан қарам, лавлаги, рангли гулкарам ва брокколи, водий вилоятларидан гилос, хусайни ва ризамат навли узумлар, хурмо, Бухоро ва Қашқадарёдан узумлар харид қилиниб, хорижга экспорт қилинмоқда.

Умуман, корхонада экспорт учун барча зарур шароитлар яратилган.

Биринчидан, хўжаликнинг ўз узумзор майдони мавжуд.

Иккинчидан, мева-сабзавотларни сақлаш имконини берувчи совутиш омборхоналари ишлаб турибди. Музлаткичларда 1200 тоннагача маҳсулотни сақлаш мумкин. Айни пайтда яна 300 тоннали музлаткич омборхона барпо этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Уни жорий йил куз ойларида ишга тушириш режалаштирилган.

– Бу ҳаракатларимизга, аввало, уйда ота-онамизнинг дуоси, қолаверса, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар, айниқса, экспортёр корхоналар учун яратиб бераётган имконият ва шароитлари катта туртки бўлмоқда, – дейди Жамшид Азизов. – Йилдан-йилга бу борадаги ишлар енгиллашиб, экспорт жараёни янада қулайлик касб этиб бормоқда. Юкни жўнатдикми, хотиржам бошқа ишларимиз билан шуғулланамиз. “Чегарада ушланиб қоладими?”, “Қаердадир тўхтатиб қолишмайди-ми?” деган ташвишлар бизда деярли йўқ. Бу эса тадбиркорга ишонч ва хотиржамлик беради.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорнинг экспорт фаолиятидаги ўсиш жараёни қуйидаги рақамларда ҳам яққол кўринади. Масалан, Россияга тўғридан-тўғри экспорт йўлга қўйилган биринчи йили 500 минг доллар атрофида маҳсулот чиқарилган бўлса, 2025 йилда қарийб 2 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Жорий йилнинг дастлабки олти ойидаги натижалар янада қувонарли. Йил якунига

қадар экспорт ҳажмини 2,5 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорларга яратилётган имконият ва имтиёзлар Жамшид Азизовни янгидан янги лойиҳалар устида ишлашга ундамоқда. Шу вақтга қадар асосан ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланган хўжалик аъзолари ўзлари пешона тери билан етиштирган маҳсулотни энди шу ернинг ўзиди қайта ишлашни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида тажрибали тадбиркор Хитойга сафарга бориб, замонавий технологияларни жорий этиш бўйича қатор келишувларга эришди. Янги ускуна меваларни автоматик тарзда ювиш, данадиган ажратиш, қадоқлаш ва музлатилган ҳолда сақлаш имконини беради. Чунки шундай усулда тайёрланган маҳсулотларга Европа бозорларида ҳам талаб катта. Қолаверса, яқинда беларуслик ҳамкорлар билан ҳам шартнома имзоланди. Бу эса корхона учун яна бир янги бозор очилди дегандир. Ишнинг кўзини билган тадбиркорнинг асосий мақсадларидан яна бири Европа давлатлари бозорига чиқиш.

Олдинда мақсад ва режалар янада катталашяпти. Экспорт ҳажмини ошириш, янги бозорларни ўзлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш билан бир қаторда хўжаликда чорвачилик йўналишини ҳам йўлга қўйиш мўлжал қилинган.

Хуллас, бугун ўз ишига сидқидилдан ёндашиб, ҳамisha янгилликка интилиб, изланишдан тўхтамайдиган Жамшид Азизов ҳалол меҳнати, ташаббуси ва изланишлари ортида янги иш ўринлари, экспортбop маҳсулотлар, янги бозорлар ва, энг муҳими, халқимиз дастурхонининг тўкин бўлишидек эзгу ниятлар ётибди.

Муҳаббат РАВШАНОВА, “XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

БУНЁДКОРЛИК

ҚУРУВЧИЛАР, СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ТАСАННО!

Юртимизда давлат дастурлари доирасида таълим муассасаларини янгилаш, замонавий ўқув бинолари ва спорт иншоотларини барпо этиш, аҳоли учун қулай инфратузилмини шакллантириш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда. Сурхондарё вилоятида ҳам бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Денов туманидаги Ўзбекистон маҳалла аҳли учун янги, замонавий 330 ўринли мактаб ва спорт зали барпо этилмоқда. Қарийб 12 миллиард сўмлик мазкур лойиҳани **тажрибали қурувчи Баҳодир Нормуротов бошчилигидаги “Binokor Foziljon baraka” хусусий корхонаси** аъзолари амалга оширмоқда.

вилояти филиалини реконструкция қилиш билан боғлиқ ишлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Шу кунларда ишчи лойиҳа асосида мазкур тиббиёт муассасасида 10 ўринли кардиохирургия, 20 ўринли урология ва трансплантология, 30 ўринли неврология ва эрта реабилитация, 10 ўринли токсикология ва ЭКД, 10 ўринли ре-

ласидаги 1-сон мактаб ўқувчилари кўпдан бери спорт машғулотларини замонавий шароитда ўтказишга эҳтиёж сезар эди. Шу мақсадда таълим масканида барча зарур шароитларга эга спорт зали барпо этилди.

Қурилиш меъёрлари асосида амалга оширилган мазкур бунёдкорлик ишлари “**Sarbozor telekom**” масъулияти чекланган жамияти ва **ёрдамчи пудратчи “Qosimjon finance” хусусий корхонаси** ишчи-хизматчилари томонидан қисқа муддатда яқунланиб, иншоот фойдаланишга топширилди.

Шу кунларда **Жарқўрғон тумана**



навий ўқув биноси барпо этилмоқда. Уч қаватли бинода ўқув кабинетлари билан бир қаторда лифт ва санитария хоналари ҳам ташкил этилмоқда. “Shuhrat invest servis” МЧЖ қурувчилари мазкур иншоотни янги ўқув йили йилгача топшириш учун тинч билм йишлямоқда.

Шунингдек, Жарқўрғон тумани Янги Ўзбекистон массивининг Қораёнтоқ маҳалласидаги 66-умумтаълим мактабида олиб бориляётган реконструкция ишлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш мумкин. Бу ерда ҳам жуда қисқа муддат ичида 660 ўринли замонавий ўқув биноси барпо этилди. Махсус лойиҳа асосида бинода лифт ва санитария хоналари ташкил этилган. Иншоотда энергия самарадорлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қишда хоналарни иссиқ, ёзда эса салқин сақлаш мақсадида чиллер қурилмалари ўрнатилди. Бино деворлари иссиқ ва салқин бўлиши учун махсус базальт қопламаларидан фойдаланилди. Мазкур лойиҳа қурилиш талаблари асосида “Farguh Erkin o'g'li” хусусий корхонаси қурувчилари томонидан амалга оширилди.

Олтинсой тумани Муствақил-ликнинг 10 йиллиги маҳалласидаги 13-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам янги ўқув йилини мукамал таъмирдан чиқарилган бина-

да кутиб олишади. “Avazov Ulug'bek Jabborovich” МЧЖ ишчилари томонидан қурилиш лойиҳалари асосида амалга оширилган ишлар натижасида бинода сув таъминоти ва бошқа коммуникация тармоқлари янгиланди, санитария хоналари ҳамда иситиш тизими барпо этилди.

Биз тилга олаётган бунёдкорлик ишлари аҳоли учун қулай муҳит яратиш ва ҳудудларни ободонлаштириш йўналишида кенг қўллада давом этаётгани қувонарли. Масалан, **Шўрчи туманидаги** Кўкдам ва Наврўз маҳаллалари худудидан ўтган Муствақиллик кўчасининг 2 километр қисмида йўл ёқасини зарур инфратузилма билан таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ерда пиёдалар йўлаклар, тунги ёритиш чироқлари, дам олиш учун ўриндиқлар ва бошқа аҳоли учун зарур қулайликлар яратилди.

Нихоят **Музработ тумани** Меҳриғиёх маҳалласи аҳлининг кўп йиллик орсуси яқинда рўбга чиқди. Илгари ёзда чанг, қишда эса лой бўлиб ётадиган 20 километр узунликдаги ички йўллар асфальтланди. Замонавий лойиҳа асосида йўлнинг асоси кум-шағал билан мустаҳкамланди, асфальт қопламаси ётқизилди. Мазкур ишларни **Феруз Жумаев бошчилигидаги “Бахтиёр Термиз бахт”**

МЧЖ йўлчилари амалга оширишди.

Дарҳақиқат, янги мактаб ва спорт заллари, замонавий тиббиёт муассасалари, обод қулайлар ва равон йўллар – буларнинг барчаси инсон қадри ва аҳоли фаровонлигига қаратилган эзгу мақсадларнинг амалий ифодасидир.

Энг муҳими, бугун бунёд этиляётган таълим масканларида эртага минглаб ўғил-қизларимиз билим олади. Янги спорт залларида ёшлар спорт билан шуғулланиб, соғлом турмуш тарзига амал қиладди. Замонавий тиббиёт муассасалари эса инсон саломатлигини асраш ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишга хизмат қиладди.

Буларнинг барчаси ортида ўз касбига садоқат билан меҳнат қиляётган фидойи ва жонкуяр қурувчиларнинг машаққатли, шарафли меҳнати бор. Зеро, бунёдкор қўллар билан қад ростляётган ҳар бир иншоот – бугуннинг эмас, эртанги куннинг ҳам мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, “XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

Хизматлар лицензияланган.



Таъкидлаш керакки, ушбу аҳил жамоа вилоятнинг турли худудларидаги қатор муҳим бунёдкорлик ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Термиз шаҳридаги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё

нимация ҳамда 5 ўринли болалар реанимацияси бўлимларида қурилиш ишлари олиб борилямоқда.

Эътиборли жиҳати, бунёдкорлик ишлари таълим муассасаларида ҳам изчил давом этапти. Хусусан, **Қизилқум тумани** Дўстлик маҳал-

